



“Шайх Шомил бошчилигидаги Кавказ халкининг истилочи русларга карши бўлган истиклол курашларида кўрсатган буюк жасорати олдида коммунизм гоёсининг отаси Карл Маркс ҳам хайратини яшира олмай: “Хурриятга қандай эришиш кераклигини Кавказ тоғлиларидан ибрат олиб ўрганинг. Хур яшашни истаганларнинг нималарга кодир эканини кўринг. Миллатлар, улардан сабоқ олинг...” дея эътироф этишга мажбур бўлган экан” (Рафик Иброхим хотираларидан).

Шайх Шомил рус босқинчиларига карши чорак аср кураш олиб борди. Истилочиларнинг сараланган сон-саноксиз кўшинларини ер тишлатди. Унинг хар қилич сермашида, албатта душман қалласидан жудо бўларди. Уни кўрганда рус аскарлари қочгани жой тополмай қилишарди.

Шиддатли жангларнинг бирида Шайхнинг кўксига найза санчилди. У совуққонлик билан найзани сугуриб олиб, бир четга улоқтирди. Сўнгра яраланган шер қаби жангни янада қаттиқроқ давом эттирди. Унда бир томондан ярасининг, иккинчи томондан олдинги жангда ҳалок бўлган дўсти Гозий Мухаммаднинг алами бор эди. Шайхнинг мардона хамлаларидан кейин душман тумтарақай бўлиб кетди.

Кеч қирғач шайх Шомил бирдан кўздан қойиб бўлиб қолди. Ўша ердаги бир масжиднинг муаззини унинг ярадор эканини пайқаб, ортидан қузатиб юрган эди. Атрофни қоронғилик ўраб бўлгач, муаззин Шомилни душман кўзидан панароқдаги бир горга яширди. Сўнг Шайхнинг ярадор бўлганини унинг қайнотаси Абдулазиз Афандига хабар қилди. Абдулазиз Афанди Догистоннинг қатта табибларидан эди. У Шомилни горда парваришлаб, ўт-ғиёҳлар билан даволади. Аммо яраси жуда хавфли эди. Шунинг учун беҳуш ётган Шайхни қишлоққа олиб тушишга мажбур бўлишди. Сўнг муолажа яна қишлоқда давом эттирилди.

Орадан йигирма беш кун ўтиб, муолажалар ўз таъсирини кўрсатди. Ниҳоят шайх Шомил кўзини очди. Биринчи назари тушган қиши тепасида турган онаси бўлди. Шунда унинг илк айтган сўзи ушбу бўлди: “Онажон, намоз қатини ўтқазиб юбормадимми?”.

“Хилол” электрон журналдан (8-сон)